


**ИЧКИ ТУРИЗМ СОҲАСИДА ФАОЛИЯТ КЎРСАТУВЧИ
ТУРОПЕРАТОРЛИК РИСКЛАРИ ТАСНИФИ**

*Андижон машинассозлик институти
мустақил тадқиқотчиси
Назарова Барно Усарбайовна
Barnonazarova03@gmail.com,
tel: +998902170440*

Туристик салоҳиятга эга бўлган ҳудудларда ички туризм хизматларини таклиф этувчи туристик корхоналар ёки туристик мажмуага бирлашган горизонтал ёки вертикал бошқарув тузилмасига эга тизимлар фаолиятини ташкил этиш ва бошқариш жараёнларида рақобат омиллари билан бир қаторда юзага келиши мумкин бўлган риск (хавф-хатар)лар даражасини ҳисобга олиш муҳим аҳамиятга эга. Чунки туристик фаолиятни амалга ошириш жараёнида юзага келиши мумкин бўлган рисклар туристик корхона ёки тизим учун маълум бир қўшимча молиявий ва ресурс харажатларини талаб этадики, бу харажатлар туристик корхона учун инқирозга учраш хатарини юзага келтириши мумкин.

Ушбу мезон асосида ва туроператорлар мисолида биз томонимиздан ички туризм субъектлари фаолиятидаги рискларнинг такомиллашган таснифи таклиф этилади (1-расм).

Бир пайтнинг ўзида, бу туристик рисклар маҳаллий эканлигини ёдда тутиш лозим, яъни риск вазият вақтнинг маълум хронологик чегаралари билан чекланган. Бундан ташқари, рискнинг оқибатлари ўзини намоён қиласи, улар турли хил босимларни юзага келтириши мумкин ва маълум бир тенденцияни шакллантиришга қодир. Бошқача айтганда, рискнинг мазмунини потенциал таҳдид сифатида ва рискнинг натижасини эҳтимолий зарар юзага келиши сифатида баҳолаш керак.



1-расм. Ички туризм соҳасида фаолият қўрсатувчи туроператорлик рисклари таснифи

Макро даражадаги ички туризм фаолияти рискини бошқариш элементи бу иқтисодий худудлар бўйича туризмни ривожлантиришнинг номутаносиблиги даражасини ва минтақавий хатарлар даражасини баҳолашдир. Бундай баҳолашни турли қўрсаткичлар ёрдамида амалга ошириш мақсадга мувофиқдир, улар орасида, бизнинг фикримизча, тафовут коэффициентлари энг мос келади. Улар ҳар қандай ижтимоий-иқтисодий ҳодисанинг (масалан, иш ҳақи, турмуш

даражаси) нотекислигининг чуқурлигини тавсифлайди ва ички туризм соҳасига нисбатан қуйидаги боғланиш шаклида тақдим этилади:

$$I_{mk} = \sqrt[n]{K_1 \cdot K_2 \cdot K_3 \cdot \dots \cdot K_n} \quad (1)$$

Бу ерда: I_{mk} – худуддаги ички туризмнинг тафовут коэффициенти;

K_i – алоҳида кўрсаткичларнинг тафовут коэффициенти бўлиб, уни қуйидаги боғланиш асосида аниқлаш тавсия этилади:

$$K_i = x_{\max_i} / x_{\min_i} \quad (2)$$

x_{\max_i} ва x_{\min_i} – i турдаги ички туризм фаолиятининг минимал ва максимал кўрсаткичи ($i=1, 2, \dots, n$);

n – кўрсаткичлар сони.

Ушбу индекс кўринишидаги коэффициентни мамлакатнинг алоҳида худудлардаги кўрсаткичларни таққослаш учун фойдаланиш тавсия этилади.

Худудий тафовут коэффициенти мамлакат худудларида ички туризм соҳасининг ривожланишидаги фарқлар даражасини акс эттиради ва бошқа минтақаларнинг ўхшашиб индексига нисбатан тенгсизликнинг умумий даражасини тавсифлайди. Ушбу коэффициент қанчалик юқори бўлса, худуд ички туризми ривожланишининг қутбланиши ва худудий рисклар даражаси шунчалик юқори бўлади.

Худудий риск даражасини баҳолаш имконини берувчи тафовут коэффициентлари таркибига кирувчи кўрсаткичларни қуйидаги б та умумлашган гуруҳларга ажратган ҳолда ҳисоблаш тавсия этилади:

1-гурух. Жойлаштириш воситалари кўрсаткичлари: меҳмонхоналар, рекреация муассасалари, дам олиш уйлари ва пансионатлар, дам олиш базалари ва туристик базаларнинг сони, сифими ҳамда улар томонидан хизмат кўрсатилган мижозлар сони.

2-гурух. Умумий овқатланиш корхоналари кўрсаткичлари: сифими, хизмат кўрсатилувчи зал майдони, ишловчиларнинг ўртача сони ва айланма ҳажми.

3-гурух. Молиявий кўрсаткичлар: ички туризм корхоналарининг дебиторлик ва кредиторлик қарзлари ҳажми, молиявий натижа (фойда, зарар).

4-гурух. Ички туризм хизматлари соҳасидаги ўртача истеъмол нархлари: экспурсиялар, меҳмонхоналар (шу билан бирга санатория, дам олиш уйлари)да яшаш ҳамда ресторонларда буютирилган овқатланиш қиймати.

5-гурух. Бандлик кўрсаткичлари: меҳмонхона, соғломлаштириш ва дам олиш муассасалари ва бошқа ички туризм корхоналарида ишловчи ишчиходимларнинг ўртача йиллик сони.

б-гурӯх. Ички туризм ресурслари миқдорини акс эттирувчи кўрсаткичлар.

Тадқиқот жараёнида танлов асосида олинган объектлар ва субъектлар орасида 1 ойлик давр учун ўтказилган сўровнома натижалари бўйича ички туризм фаолияти нисбатан яхши ривожланган Андижон ва Самарқанд вилоятлари ҳамда Тошкент шаҳри ҳудудлари бўйича юқорида кўрсатиб ўтилган 6 та гурӯх кўрсаткичлари асосида алоҳида кўрсаткичлар тафовут индекслари аниқланди (1-жадвал).

1-жадвал

Андижон ва Самарқанд вилоятлари ҳамда Тошкент шаҳри бўйича алоҳида кўрсаткичлар тафовут индекслари

Гурӯх кўрсаткич- лари	Андижон вилояти бўйича			Самарқанд вилояти бўйича			Тошкент шаҳри бўйича		
	x_{max}	x_{min}	K_i	x_{max}	x_{min}	K_i	x_{max}	x_{min}	K_i
1-гурӯх (K_1)	2846	679	4,2	4750	1745	2,7	5392	3628	1,5
2-гурӯх (K_2)	175	15	11,7	220	20	11,0	300	30	10,0
3-гурӯх (K_3)	58,6	12,3	4,8	82,7	18,9	4,4	136,5	27,3	5,0
4-гурӯх (K_4)	185,0	110,0	1,7	235,0	145,0	1,6	285,0	175,0	1,6
5-гурӯх (K_5)	45	5	9,0	73	9	8,1	92	14	6,6
6-гурӯх (K_6)	6	1	6,0	8	2	4,0	9	2	4,5

Жадвалда ҳисобланган алоҳида кўрсаткичлар тафовут индексларидан фойдаланган ҳолда ўрганилаётган ҳудудлар бўйича умумлашган тафовут коэффициентларини аниқлаймиз.

Андижон вилояти бўйича:

$$I_{mk} = \sqrt[6]{K_1 \cdot K_2 \cdot K_3 \cdot K_4 \cdot K_5 \cdot K_6} = \sqrt[6]{21653,0496} = 5,3$$

Самарқанд вилояти бўйича:

$$I_{mk} = \sqrt[6]{K_1 \cdot K_2 \cdot K_3 \cdot K_4 \cdot K_5 \cdot K_6} = \sqrt[6]{6774,45} = 4,3$$

Тошкент шаҳри бўйича:

$$I_{mk} = \sqrt[6]{K_1 \cdot K_2 \cdot K_3 \cdot K_4 \cdot K_5 \cdot K_6} = \sqrt[6]{3564,0} = 3,9$$

Таклиф этилаётган тафовут коэффициентлари Андижон вилояти, Самарқанд вилояти ва Тошкент шаҳри кетма-кетлигида пасайиб борган. Бу эса, ҳудудлар бўйича анкета сўровномасида иштирок этган субъектлар бўйича энг юқори ва энг қуий индекслар нисбатларининг геометрик ўртача даражаси тафовутлар интервали қанчалик кичик бўлса, рисқ даражаси шунчалик пасайиб боришини кўрсатади. Таҳлил учун олинган ҳудудлар ичида Тошкент шаҳрининг умумлашган тафовут индекси Андижон (5,3) ва Самарқанд (4,3) вилоятлари кўрсаткичига нисбатан бирмунча пастлигини, бу эса, Тошкент шаҳридаги ички

туризм фаолиятида тебранишлар кескинлиги натижасида юзага келиши мумкин бўлган рисклар даражаси энг мақбул ҳолатда эканлигини ифодалайди.

Рисклар таъсирининг хилма-хиллиги ва қўлами уларнинг олдини олиш ва камайтиришнинг самарали усул ва воситаларини топиш муаммосини келтириб чиқаради. Рисклар даражаси ва мазмунига таъсир кўрсатиш имкониятларини ҳисобга олган ҳолда улар икки йўналишда: макроиқтисодий тартибга солиш ва ички рискларни бошқариш йўналишларида амалга оширилади.

Макроиқтисодий тартибга солиш қўйидаги таркибий қисмларга эга:

- ички туризм соҳасидаги рискларни тартибга соловчи аниқ қоидалар, шунингдек унинг иштирокчиларини ахборот билан таъминлаш тизимининг жорий этилиши;

- ички туризм хизматлари бозорида туристик корхоналар фаолиятининг давлат ва жамоатчилик томонидан назорат қилиниши;

- туристлар хавфсизлигини таъминловчи молиявий, ташкилий ва иқтисодий кафолатларнинг ишончли ва самарали тизими.

Менежментга функционал ёндашув доирасида бошқарув функцияларини турли хил хусусиятларга ва турли хил тафсилотларга қўра таснифлаш вариантлари мавжуд бўлиб, мавжуд бошқарув функциялари икки асосий гурухга: умумий ва маҳсус функциялар гурухига ажратилади.

Умумий функциялар бошқарув объектининг хусусиятини, унинг ўзига хос хусусиятларини ҳисобга олмайди ва бошқарув функцияларининг ўзи билан боғлиқ, маҳсус функциялар эса бошқарувчи шахсларнинг функционал вазифаларидан келиб чиқади ва иқтисодий фаолият турлари билан боғлиқ. Бундай вазиятда ички туризм рискларини бошқариш туристик корхонанинг маҳсус бошқарув функцияси сифатида белгиланиши мумкин, бу унинг таркибий элементлари ҳисобланган туризм маҳсулотларини бошқариш ва ташкилий бошқарув ўртасида ўзига хос боғлиқлик бўлиб хизмат қиласди.

Рискларни бошқариш методлари турли иқтисодий тизимлар фаолиятида яхши ўрганилган, лекин улар ички туризм соҳасида етарли даражада тадқиқ этилмаган ва, шунинг учун, туризм корхоналари фаолиятида рискларни бошқариш воситаларини кенг қўллаш мақсадга мувофиқ.

Рискни бартараф этиш туроператор учун хавф даражаси қабул қилинмайдиган даражадан юқори бўлган ҳоллардагина самарали бўлади. Шунинг учун унга рискни қабул қилиш ва уни бошқаришдан қўра, унга боғлиқ ҳодисадан қочиш афзалдир. Рискнинг олдини олиш усули кўплаб контрагентлар билан алоқаларни рад этишни ва туристик дастурларни жорий этишни ўз ичига олади, уларнинг мақсадга мувофиқлиги жиддий шубҳаларни келтириб чиқаради.

Ушбу усул ички туризм корхонасини фақат ишончлилигини тасдиқлаган ҳамкорлар билан ишлашга йўналтиради. Ушбу ёндашув туристик маҳсулотни туроператор ваколатхоналаридан сотиб олган истеъмолчиларга ҳам тегишли.

Хулоса шуки рискни ушлаб туриш усуллари ҳисобланган бошқарув субъекти, яъни туроператор томонидан таваккалчиликдан воз кечиши ва фойдаланиш асосан тижорат муваффақияти кафолатланмаган, аммо фойда келтириши мумкин бўлган ва маълум туристлар гурухлари орасида талабга эга бўлган бундай туристик дастурларни ишлаб чиқиш ва амалга оширишда асосий элементи ҳисобланади.

Фойдаланилган адабиётлар

1. Moore P. G. *The Business of Risk*. Cambridge: Cambridge University Press, 1983
2. Федорова Т. А. Управление рисками и страхование в туризме. –М.: Магистр: ИНФРА М, 2017. –С. 13.
3. Гудков А. А. Управление рисками на предприятиях отрасли туризма // Управление финансовыми рисками. 2017. № 3. –С. 216–227.